

---

## МУРУВВАТ ОЙИДА-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

Фазилатли ойнинг айна фарахбахш кунларида Бувайда туманида ҳам ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга мурувват кўрсатишдек хайрли амаллар кенг қулоч ёйган.

Барча маҳаллаларда ташкилланаётган ифторлик тадбирлари ва йўқловларда ёши улуглар, имконияти чекланган ва эҳтиёжманд оилалар вакилларига мурувват кўрсатилиб, кўнгилларга шодлик улашилмоқда.

Бувайда тумани прокурори, 2-сектор раҳбари Шерзод Миржавҳаров ана шундай оилалардан - “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кам таъминланган эҳтиёжманд оилалар рўйхатида турган фуқаро Олтиной Суярова ҳамда Бештерак маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Бўстонбой Орзиевларнинг хонадонига ифторлик учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари олиб борди.

2023-04-13 14:52:58